

27.01.2022 даги

Жиззах вилоят ИИБ ва Мирзачул туман тиббиёт бирлашмаси ўртасида 64821590,00 сўм умумий суммага  
тузилган 01-22/90 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий газна хисобварак

054

100022860082237073101054001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)		Жами
	4293000		
Январь	52 940 530,00		52 940 530,00
Февраль	5 940 530,00		5 940 530,00
Март	5 940 530,00		5 940 530,00
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
<b>Жами ийл бўйича</b>	<b>64 821 590,00</b>		<b>64 821 590,00</b>

Жами 64821590,00 сўм

Олтмиш тўрт миллион саккиз юз йигирма бир минг беш юз  
тўқсон сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_\_ % \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
% \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойда тўланиши лозим.

(\*)— бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада  
такдим этилади;

(\*\*)— бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*). Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши  
лозим (ўшбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан коммунал хизматлар  
кўрсатиш, аюла хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар)  
етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.У.

Буюртмачи бўш бўхгалтери

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Суюнов Б. Ю.

Ф.И.Ш.

Сиддиков Б. Ш.

Ф.И.Ш.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриклиш хизмати  
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўриклиш  
хизматини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

: Жиззах шахри № 01-22/ 90 -сонли 2022 йил « 17 » январь

Жиззах вилояти Кўриклиш бошкармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиги полковник О.А.Амирор (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан, Мирзачўл тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан шартнома асосан фаолият юритувчи бошлиги Б.Ю.Суюнов (кейинги ўринларда Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур шартномани кўйидагилар хакида туздилар:

**1 боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи Миллий гвардия кўриклиш хизмати, харбийлаштирилган ва сокчиллик кўриклиши кўринишида техник кўриклиш пунктидан (кейинга ўринларда ТКП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини кўриклиш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вактида кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2 боб. Умумий шартлар.**

2. Буюртмачи Мирзачўл тумани, Гагарин шахри, Мустакиллик МФЙ, Фаровон кўчасида жойлашган Мирзачўл туман Тиббиёт бирлашмаси (кейинги ўринларда объект деб юритилади)га карашли Марказий поликлиника Узи хонасини хар куни 3 соат, соат 24-00 дан 03-00 гача, ТТБ наркотик ва психотроп моддалар саклаш хонасини, ШТЁ бўлими наркотик ва психотроп моддалар саклаш хонасини хар куни 4 соат 24:00 дан 04:00 гача кечки кўриклов, ТТБ дорихонасини, хар куни 4 соат 24-00 дан 04:00 гача кечки кўриклов оркали, шошилинч тиббий ёрдам булимени иш кунлари 3 соат, 18-00 дан 21-00 гача, шанба, якшанба ва дам олиш кунлари 24 соат ҳамда ТТБ коровул хонасини хар куни 3 соат 09-00 дан 12-00 гача ташвиш тутмаси оркали ҳамда Марказий поликлиника Н ва ПМС хонаси 4 соат 24-00 дан 04-00 гача кечки кўриклов оркали ва ҚЁС, Uzmobile SIM 7 ва Ucell SIM 7 воситалари билан кўриклиш учун Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қиласи.

3. Объектнинг кўриклиш чегаралари (иморатлари, курилмалари), постларнинг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

4. Объектдаги кириш-чикиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чикиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўрикномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

5. Объектни техник кўриклиш воситалар билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриклиш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқкан холлар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриклиш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми хисобланади.

6. Объектни кўриклишда Буюртмачи билан келишилган ҳолда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичida Миллий гвардия хизмати кўриклиш тури йўлга кўйилади. Объектда сокчиллик кўриклиш тури ва харбийлаштирилган кўриклиш объектга 30 иш куни ичida йўлга кўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи кўйилмайди, кўйилган ижрочи эса чакириб олинади.

**3 боб. Тўловларни амалга ошириш.**

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда кўйдагича хисобланади:

Пост-соат хисобида кўриклиш хизмати ойига 5 940 530 (беш миллион тўккиз юзи кирк минг беш юзи ўттиз) сўм бўлади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган холларда кайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичida мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи микдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим килингандан сўнг Буюртмачи 5 кун ичida аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловини амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблаглари олувчиси бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи микдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект хисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим килишга хаклидир.

Мазкур шартнома бекор килинган холларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича кайта хисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### 4 боб. Томонларнингхуқук ва мажбуриятлари.

13. Буюртмачи кўйидаги хуқукларга эга:

Ижроидан белгиланган кўриклаш тартибига риоя этишини талаб килиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижроининг ходимлари томонидан интизомни бузиш холатларини тўхтатиш ва йўл кўйилган камчиликларни бартараф килиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб килиш;

Ижроининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриклаш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслахаларининг мавжудлигини назорат килиш;

Ижрои томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир холати бўйича Ижроининг вакили иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш;

Ижроининг айби билан йўл кўйилган камчиликлар аникланган тақдирда, ижроидан уларни бартараф этишини талаб килиш;

Ижрои томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шарноманинг ажралмас кисми хисобланган 20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_» даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриклашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустахкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник кўриклаш воситалари (*объектнинг турига қараб пост қўрилмалари ва уни иситиши ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгидан кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кўзатиш майдончаси, шахсий текшириши хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар*) билан жихозлаш ва зарур холларда уларни таъмирлаш;

хар қандай моддий кимматликларни объект худудининг девор тўсигидан 10 метр узокликда (*объект жойлашувини ҳисобга олган холда*) жойлаштириш;

Ижрои билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустахкамлигини, кўриклашнинг техник воситалар билан таъминланганлигини, шу жумладан ёнгидан кўриклаш сигнализацияси холатини текшириш қўригини ўтказиш, аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижроини бу хакда хабардор килиш муддати ва тартибини кўрсатган холда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

Белгиланган кўриклаш режими талабларини бажариш ва техник кўриклаш воситаларининг тегишли холатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жихозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий кимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир кисмини бошка шахсларга ижарага бериш ёки мулк хукукини ўтказиш, кўриклаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки кўшимча кўриклаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши хақида Ижроини бундай ишларнинг бошланишидан камида 20 кун олдин огохлантириш;

объектда иш куни якунда кўриклаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги холатида бу хакда Ижроини огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга кадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартиба кўриклашга топшириш. Объектни кўриклашга топширганлик хақида ТҚПни хабардор килиб, 5 дакикадан сўнг объектнинг кўриклашга қабул қилинганлиги хақида ишонч хосил килиш;

объектни, ёнгидан кўриклаш сигнализацияси билан жихозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриклашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентилияция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриклаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш холатини текшириш, кўрикланадиган биноларда электр жихозларининг, бошка ёнгин манбаларининг ёкилган холда колиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда колишига йўл кўймаслик;

кўрикланадиган худудда бинодан ташкарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган холатда қайта хисоб-китоб асосида қабул килиш топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрои ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда кўриклашга топшириш;

махсус журналда ўз вакиллари томонидан имзо кўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриклашга топшириш, кўриклаш тугагандан сўнг кўриклашдан чиқариш;

кўрикланадиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги хақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижроини хабардор килиш ва объектга Ижрои вакили этиб келгунга кадар кўрсатилган жойларнинг даҳлизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриклаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор килмаслик;

Ижрои вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги коидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришга оид кисми билан танишириш.

15. Ижроининг хукуклари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб килиш;

Мазкур шарномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор килиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошка хужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриклаш техника воситаларини жорий килиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижроининг мажбуриятлари:

Объектда постлар дислокациясига (патрул маршрутига) мувофик кўриклаш нарядини жорий килиш;

Мазкур шартномада ва унинг иловаларига мувофик объектни ҳамда кўриклашга топширилган моддий

кимматликларни кўриклишни ташкил этиш ва таъминлаш;  
кўрикланаётган худудаги лекин бинодан ташкарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган холатини текшириб, кайта хисоб китоб асосида кабул килиш; топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда кабул килиб олиш;

объектда кириш-чикиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий кимматликлар олиб кирилиши ва чикилишини назорат килиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чишиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриклиш вактида жойдаги ёнғин хавфсизлиги коидаларининг бажарилишини таъминлаш;  
объектда ёнғин чикиши ёки ёнғиндан кўриклиш сигнализациясининг ишлаб кетиши холатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аникланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриклиш сигнализацияси ишлаб кетган холатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниклаш ва объектни кайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакириши, текшириш натижалари ва объектни кайта топшириш бўйича икки нусҳада далолатнома тузиш;

ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил килиш ва амалга ошириш, кўриклиш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), курол аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриклишга кабул килганда ва топширганда объектдаги техник мустахкамлик бўйича ва кўриклишнинг техник воситалари билан боғлик аникланган барча камчиликлар ҳакида Буюртмачини хабардор килиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустахкамланганлигини, кўриклишнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриклиш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари хамда Ижрочини бу ҳақда хабардор килиш муддати ва тартибини кўрсатган холда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусҳадан далолатнома тузиш.

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусҳада далолатнома тузиш ва бир нусҳасини Ижрочининг раҳбариятига тегишли чоралар кўрилиши учун бериш;

кўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия кўриклиш хизмати навбатчилик кисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия кўриклиш хизмати вакили етиб келгунга кадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

##### 5 боб. Томонлар жавобгарлиги.

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вактида тўланмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

18. Ижрочининг ходими постда ва патруль йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пения тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пения тўлаш буюртмачи ва ижрочини ўз мажбуриятларини бузиши оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аникланган холларда зарар тўлиқ микдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг микдорини аниклаш учун томонлар вакилларидан, иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар микдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштириб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган такдирда зарар микдори суднинг карори билан аникланади.

22. Куйидаги холларда Ижрочи зарарни копламайди:

Ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига карамасдан, зарар учинчи шахсларнинг жинонӣ ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган карори, билан тасдиқланса.

Қабул килиш-топшириш журналида кайд килинмаган мулкка зарар етказилганда.

Буюрмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганида.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пения) тўлаш ҳамда зарарни коплаш томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

##### 6 боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

24. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартирилиши ва бекор қилиш вактида тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни коплаш тўғрисидаги низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда Иктисадий суд томонидан кўриб чиқилади.

##### 7 боб. Форс-мажор.

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати хисобланса жавобгарликдан муаян озод килинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч холатига ҳавола килувчи томон бошқа томонни бундай хола бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор килиши шарт. Уш муддат ичидаги хабар бермаган томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод килиш асоси сифатида кўрсатишга ҳакли эмас.

Форс-мажор холатларига сув тошкнилари, ер кимирлаши ва бошқа табиий халокатлар, шунингдек, эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат хокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч холатлари амал килган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор килишга ҳакли.

#### 8 боб. Яқуний қоидалар.

28. Мазкур Шартнома имзолangan кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилиари билан тузилганда назначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгади.

29. Мазкур Шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзолangan такдирда ҳакикийдир.

Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш ҳакидаги таклифга иккинчи томондан рад жавоби олганидан кейингина ёки 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин Шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал килиш муддати кўйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзолangan кундан бошлаб номуайян муддатга амал килади.

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилиари бўйича белгиланган тартибда назначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган такдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор килиш ҳакида Ижрочига шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум килмаса, мазкур Шартноманинг амал килиш муддати худди шу муддатга шу шартларда узайтирилган хисобланади.

31. Агар техник кўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билагн ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмирилашни талашиб килса, бирор Буюртмачи буни рад этса Ижрочи Буюртмачига 7 кун олдин ёзма маълум килган холда алоҳида объектларни кўриқлашни рад этиши мумкин. (эслатма: тоифаланган ва банк обьектлари бўндан мустасно)

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловини белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур Шартномани Буюртмачини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор килишга ҳакли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патруль йўналишларида кўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор килишга ҳакли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишида маълум килади.

35. Объектнинг ҳусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ хуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

#### 9. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

Ижрочи:

Жиззах вилоят Кўриқлаш бошкармаси

Юридик манзили: Жиззах шаҳри Сайилжойи кўчаси 5-йй.

Банк маълумотлари: Марказий банк Жиззах вилоят бош бошкармаси

X/P 21596000600567049001

МФО: 00018


СТИР: 202383751

ОКОНХ: 97920



О.А.Амироп

Бошлиғи  
полковник:



Хукуқ силуноси С.А.Эргалиев

Буюртмачи:

Мирзачўл тумани Тиббиёт бирлашмаси

Юридик манзили: Гагарин шаҳри, Фаровон кӯғоси 4-го

Банк маълумотлари: Марказий банк

Гашгент шодри,

X/P 10002286008223707310054001

МФО: 00014

СТИР: 200339093

КТУТ:

Фазначилик бўлинмасининг номи

ЯФХ

Банк номи:

МФО

Фазначилик бўлинмасининг номи

СТИР

Бошлиғи: Б.Ю.Суонов

«\_\_\_\_\_» январь 2022 йил





Жиззах вилойти Күрикташ бошкармаси  
бошлигын полковник

О.А.Амирров

"*Дарсан*" 2021-йил

(Илова №-1)



"ТАСДИКЛАЙМАН"

Мирзацул туман Тиббийт бирлашмаси  
бондити

Б.Ю.Суюнов

2021-йил

*Суюнов*

Мирзацул туман Тиббийт бирлашмаси маалуний биносими техник күрикташ пункти хизмати оркаги, Жиззах вилойти Күрикташ бошкармаси томонидан Күрикташ бүйиччя

ХИССОБ - СМЕТАСИ

№	Объект номи	Объектнинг жойлашган манзили	Күрикташ тури	Штат бирлиги	Хизмат итлари сони	Кўрикташ вақти (соат)		Бир йилга жами кўрикташ соати	Кўрикташ хизматининг нархи
						Кўст воситаарни нг сони	Иш кунлари		
1	Марказий поликлиника УЗИ хонаси		ТКП			3	3	3	1095
2	ТТБ Н ва ПМС хонаси		ТКП			4	4	4	1460
3	ТТБ ШТЁН ва ПМС хонаси		ТКП			4	4	4	1460
4	ТТБ Дорижона		ТКП			4	4	4	1460
5	ТТБ ШТЁ бўлими (ташиш тумга)		ТКП			3	24	24	3489
6	Марказий поликлиника Н ва ПМС хонаси		ТКП			4	4	4	1460
7	ТТБ Коровулхона (ташиш тумга)		ТКП			3	3	3	1095
8	КҶОС воситаарли учун		ТКП	35,2					29547
9	Uzmobile SIM 1						7		6350
10	Ucell SIM 1						7		6526
	Жами								5 940 530

Кўрикташ хизмати учун бир ойлик тўлов мидори:

*Барсан*

5 940 530 (беш миллион тўккиз нюн кирк минг беш юз уттиз) сўм

Бошхисобчи:

*Барсан*

Бошхисобчи:

## Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjatlariga muvofiqligi to‘g‘risida huquqiy xulosa

ZK71460266

### 1. Loyihaning turi. Shartnoma.

### 2. Loyihaning nomi.


Xizmat ko‘rsatish shartnomasi. Mirzacho‘l tuman tibbiyot birlashmasining xavfsizligini ta‘minlash maqsadida tashvish tugmalari o‘rnatalganligi hamda qo‘riqlash xizmatlarini bajarish to‘g‘risida.

### 3. Loyiha ishlab chiqaruvchi va kiritilgan sana haqida ma’lumot.

Mirzacho‘l tumani tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va Mirzacho‘l tuman Yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 27.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha O‘zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi O’RQ-684-son Qonuning 71-moddasi hamda amaldagi boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Markaz Bosh yuriskonsulti



N.Mamadaliyev

2022 yil «27» yanvar